

ҲАЙКАЛТАРОШЛИК КОМПОЗИЦИЯСИ УСТИДА ИШЛАШ

Шерзод Курязов
МРДИ Ҳайкалтарошлик йўналиши
2-курс магистранти

Тасвирий санъат инсон онгига тезда таъсир этиб, унда эзгу ҳислар уйғотадиган, маънавий оламини бойитадиган санъат турларидан биридир. Шу билан бирга, тасвирий санъат инсон шахсининг шаклланиши ва камолга етишига ёрдам берадиган тарбиячи ҳамдир. Тасвирий санъат ўқув предмети ўз характеристига кўра эстетик тарбиянинг асосини ташкил этувчи эстетик идрок, эстетик завқ, эстетик ҳис-туйгу, эстетик дид, эсгетик мулоҳаза, эстетик баҳолаш, эстетик ижод қаби сифатларни ўстиришда катта рол ўйнайди.

Композиция санъатнинг ҳамма турида мавжуд бўлиб, энг мураккаб шаклидир. У ўз навбатида ижодкордан муайян даражада шаклланган назарий билим, амалий малакалар талаб қиласидиган жараёндир. Ҳар бир санъат асари ва композициянинг ўзига хос тузилиши, мазмуни билан боғлиқ жихатлари мавжуд бўлгани боис, ҳайкалтарошлик асари ҳам композициянинг умумий қоидаларига амал қилган ҳолда яратилади. Машғулотлар жараёнида ўқитувчи талаба яратган ижодий композиция ҳақида бирор бир фикр билдиришидан аввал у талабанинг мақсадини унинг қандай ғоя ёки фикрни ифода этмоқчилигини билган ҳолда унинг ўзига хос бўлган сифатларини ҳисобга олиб, талаба томонидан илгари сурилаётган ижодий фикрни ривожлантириши мухимдир. Ўқитувчинг талабага ўзини фикрини ўтказишга харакат қилса, бу бадиий таълим ва тарбияга мутлақо зид нарса бўлиб, талаба ўқитувчининг фикри билан иш бажаришга ўрганиб қолишига, бу эса талabalардаги мустақил ижодий фикрлай олиш, ўзига хосликнинг секин-аста сўниб боришига сабаб бўлади.

Композиция тузишнинг аниқ қонуниятлари йўқ бўлсада, бироқ композиция яратишнинг асрлар давомида шаклланиб келаётган умумий қоидалари мавжуддир. Композиция тузиш, жойлаштириш, ижод қилиш

натижасида яратилаётган ҳайкалтарошлиқ асари қисмларини мантиқан бир бутунликка келтира олишга эришишни англатади. Тасвирий санъатда композиция жуда кенг маънога, ўзига хос алоҳида муҳим жихатларга эгадир. Яна шу нарсани таъкидлаш керакки, санъатнинг хар бир тури ёки жанрида композицион тузилиш маълум даражада фарқланишини талаб қиласди.

Ҳайкалтарошлиқ асарида композициянинг оддий қоидаларидан тортиб асар мазмунини очиб беришгача бўлган ижодий изланишларда ҳам ўзига хос композиция сирлари бўлади. Яратилаётган ҳайкалтарошлиқ асарларининг бадиий мазмуни, қиймати санъат даражасида яратилиши томошабин, талаба томонидан идрок қилинаётган, баъзан ижодкорнинг ўзи ўйламаган холда сехрли қирралари ҳам юзага чиқиб қолиши мумкин. Композиция ана шундай мураккаб санъатнинг мантиқий тузилишини ташкил қилувчи соҳадир. Унинг уч хил кўриниши мавжуд бўлиб фронтал, ҳажмли – фазовий, фазовий чуқурлик эга бўлган асарлар каби қисмларга бўлинади. Ҳажмли фазовий композиция асарлари уч ўлчовли асарлар бўлиб асосан ҳайкалтарошлиқ санъати турига мансуб асарларга тааллуқлидир. Қолган икки турдаги композиция кўринишлари, санъатнинг бадиий амалий, дастгоҳли рангтасвир ва графика турларида кенг тарқалган. Талабалар табиат мўъжизаларидан композиция туза олишлари учун нафақат ҳайкалтарошлиқ санъати сирларидан ва ҳайкал ясаш маҳоратларига эга бўлишлари балки, табиатнинг ривожланиш қонунларига оид маҳсус билимларга ҳам эга бўлишлари керак. Табиат мўъжизаларидан реалистик композиция яратиш услуби ва тизими талабанинг ижодий фаолиятини аниқлаб беради. Ушбу мавзу бўйича ижодий иш яратиш жараёнида талабалардаги композиция ечимини топиш, хар хил услубдан тўғри фойдаланиб, материалларда ифода этилаётган образнинг бадиий таъсирчанлигини ошириш каби мутахассислик малақаларини ўстириш билан бир қаторда уларда мустақил ижодий иш яратса олиш қўникмаларини ўстириш ҳам назарда тутилади.

Ҳайкалтарошлиқ машғулотларида талабаларнинг композиция тузиш қобилиятларини ўстиришда хотира ва тасаввурдан ижодий ишлар бажариш услуби муҳим ўринни эгаллади. Амалий машғулот жараёнида бажарилган ишини хар куни кечки пайт уйда мунтазам хотирадан чизибилиб, ишнинг характерли ҳолатини, унинг ўзига хос томонларини чизгилар ёрдамида тасвирлаб, тахлил қилиб, аниқлик ва янгилик киритиб боришга харакат қилиб борилса, муаллиф ўз ишидаги камчиликларни кўра олишга ўрганади, унинг дунёқараси шаклланади, кузатувчанлик қобилияти ўсади. Талабаларда бундай кузатувчанлик, хажмли кўра олиш қобилиятини ривожлантириши эса ҳайкалтарош рассом учун энг муҳим ва зарур сифатлардан бири ҳисобланади. Табиат мўъжизаларидан композиция тузишнинг тахминий тизими қуидагича бўлиши мумкин: мавзу танлаш, мавзуга оид бадиий тушунчага эга бўлиш; мавзуга оид керакли материални табиатни кузатиш орқали йиғиш, қораламалар чизиш; мавзуга мос ҳаётий ишончли образ ёчимини (сюжет)қидириш; топилган сюжетнинг турли вариантлардаги кўринишлари устида ишлаш; мавзуга оид қўшимча материаллар: қораламалар чизиб, уларнинг ўзаро пластик боғланишини яратилаётган ишнинг умумий яхлитлигини тахлил қилиш; яратилаётган ишнинг хомаки вариантини лой ва пластилиндан ишлаш жараёнида катта-кичик хажмли массаларни мутаносиблигини, шаклларнинг симметрик жойлашганлигини, майда деталлардан ўринли фойдалана олинганлигини, оғирлик маркази тўғри топилганлигини иш кандай материалда бажариш кераклигини, рангини тахлил қилиш; ишни материалга ўтказиш ва якунлаш; пардозлаш ва безаш ишларини бажариш. Табиат билан боғлиқ композиция тузиш учун атроф-муҳитни ҳис эта олиши, унинг маълум қонун-қоидаларини билиши талаб этилади. Бундай мўъжизалар орасида дарахт илдизлари, шохлари айниқса муайян даражада тайёр композиция кўринишида бўлиши мумкин. Муҳими, уни пайқаш, англаш, фантазия қилиш ва керакли ишлов бера олишдир. Назарий материалларнинг амалиёт билан бевосита боғлиқлиги ҳам алохида ахамият касб этади. Билимлар тизими уни амалиётда

қўллашнинг муҳим шарти хисобланади. Уни ҳаёт ва тажриба билан боғлаш ушбу тизимни чуқур ва мукаммал ўзлаштиришга имкон беради.

Адабиётлар: 1. Беда Г. Основы изобразительной грамоты: Рисунок. Живопись. Композиция. - М., 1981. 2. Абдураҳмонов Г. Композиция. – Т., 2006. 3. Курязов Ш. “Санъаткор” декоратив ҳайкал. МБИ, – Т., 2015. – Б. 23-24.